

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасидаги маҳалла фуқаролар йиғинларидан 120 нафар хотин-қизлар фаолининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига саёҳати уюштирилди.

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

2023-yil
10-iyun
shanba
№ 72 (4824)

O‘zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi nashri • Gazeta-1991 yil 21-martdan chiqa boshlagan



Тошкент Жанубий вокзалида кутиб олинган саёҳатчilar пойтахтимиздаги диккатта сазовор жойлар, хусусан, «Fabiqa boғi» ёдгорлик мажмуаси, «Magic City» кўнгиллоқар боғи, «Tashkent City» ҳамда «Янги Ўзбекистон» боғи билан танишишди.

Шундан сўнг улар Бўстонлик туманидаги замонавий дам олиш масканияга йўл олиши. Мехмонлар бу маскандаги бир неча кун давомида саломатликларини тикилаб, мазмунли дам олиш имконига эга бўлишади.

Тадбирлар давомида улар кам таъминланган, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий кўллаб-куватлаш, жумладан, «Аёллар дафтари» тизимини юритиш мавзусидаги семинарда иштирок этиб, тажриба ва малякаларини оширадилар.

Мадина Пўлат қизи
«ISHONCH»



Офарин, Умида!

Шу йил 6-8 июнь кунлари Грузиянинг Батуми шаҳрида 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Уиб нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган Умидга Омонова ралид ўйналишида 10 имкониятдан 9 очко жамғарид, жаҳон чемпиони бўлди.

Биз дунё ҳавас қиласидаги дарражадаги юқсак нотижага билан чемпион қизни, унинг яқинлари ва мураббиylарини чин юракдан кутлаймиз!

Рахмат сенга, Умид!



Бугунги сонда:



Саёҳатчilar кўнглидан кечган ушбу туйғулар сабаби Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги манзаралар эди.

Сирдарё вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси тасарруfigidagi «Нурли маскан» мактаб-интернатининг 50 нафар ходими айнан ушбу гўшадаги дам олиш масканларида ҳордик чиқариши.

Касаба уюшма қўмитаси уларга ана шундай имкониятни яратиб

берди. Улар мусаффо тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб симирдилар, тоғ чўққалирдаги шаффо қорлардан, Чорвоқ сув оборонининг мовилигигидан завқландилар. Сараторнинг жазирамасида ҳовузларда чўмилish ҳам танин яйтади. Яратилган шарт-шароит-

Янги Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!

«Юртимиз бунчалар гўзал!»



Фарҳод ТАШТАНОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси





Кайфият ҳар қачонгидан альо

Президентимизнинг 2022 йил 18 ноябрдаги «Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилингунга қадар Xorazm вилоятида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси тасарруфида иккита оромгоҳ фаолият кўрсатар эди. Юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида яна 3 та – Хива туманидаги «Хива гулшани», Урганч туманидаги «Оби ҳаёт» ва Кўшкўпир туманидаги «Ҳұмo» болалар оромгоҳи Федерации тасарруфига ўтказилди.



Кўшкўпир туманидаги фойдаланишига яроқсиз ҳолга келиб қолгани «Ҳұмo» болалар оромгоҳида жаҳон андазаларига мос тарзда курилиш ишлари бошланди.

Бошқа оромгоҳларда ҳам ёз мавсумига қизғин тайёргарлик кўрилди. 2023 йил 28 май куни Касаба уюшмалари Федерацииси томонидан Коқақалпогистон Республикаси ҳамда Xorazm вилояти болалар соғломлаштириш оромгоҳлари директорлари ва ошпазлари учун ўқув-семинар ўтказилди. Хонқа туманидаги «Жайхун қўёши» оромгоҳи мезбонлик қилган тадбирда ҳар бир оромгоҳ ошпазлари тайёrlагan таомлар мутахассислар томонидан баҳоланди.

Барча тайёргарликлар якунни етаг, жорий йилнинг 1 июнь куни оромгоҳлар фаолияти бошланди. Биринчи мавсумнинг очилиш тадбирлари жуда чиройли ташкил этилди. Эл ардоғидаги санъаткорлар ва таникли эстрада юлдузларининг ташрифи барчага альо қайfiyat бахш этди.

Умуман, бу йил Xorazm вилоятида 29 та оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда. Уларда 11 минг 240 нафар болани дам олдириш режалаштирилган. 4 минг 580 нафар бола соғломлаштирилдиган 9 та оромгоҳи касаба уюшма ва жамғарма ҳисобидан, 6 минг 660 нафар бола соғломлаштирилиши белgilangan 9 та оромгоҳи маҳаллий ҳоқимият органлари ва хомий ташкилотлар ҳисобидан молиялаштирилди.

Аҳамияти жиҳати, касаба уюшма аъзолари фарзандларига оромгоҳ йўлланмаларини харид қилишда деярли чиқимдор бўлмайдилар. Йўлланмалар асоссан жамғарма, ижтимоий солик тушумлари ва касаба уюшма ҳисобидан копланади. Айтайлик, бир йўлланма нархи 1 мин. 200 минг сўм бўлса, ота-она шунинг 160 минг сўмни тўлаши мумкин.

2023 йил давомида касаба уюшма аъзолари фарзандларини соғломлаштириш учун 9 та оромгоҳга 4,7 млрд. сўм сарфланиши белgilangan. Шундун 2,4 миллиард сўми жамғарма, 755,6 миллион сўми ижтимоий солик, 1,1 миллиард сўм иш берувчи касаба уюшмаси ва 576,5 миллион сўми ота-она бадаллари ҳисобидан копланади. Бу касаба уюшма аъзоларига ўз фарзандларини худуддаги энг сўлим оромгоҳларда дам олдириш, уларнинг маънавий-руҳий ҳордик чиқаришларини таъминлаш имконини беради.



Семинар

Оромгоҳлар мавсумга шайми?

Риштон туманидаги «Риштон» болалар оромгоҳида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг Фарғона вилояти кенгаси жорий йил ёз мавсумида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини юқори савияда ўтказиш мақсадида семинар ўтказди.

Мактабгача ва мактаб таълими, Фавқулодда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар бошқармалари, оромгоҳлар раҳбарлари, бош тарбиячилари, етакчилари, тўғарак раҳбарлари қатнашган инкумдан қайд этилди, бу йил вилоядатда 17 та стационар оромгоҳда 11 минг нафар бола соғломлаштирилган.

– Вилоядатда 8 та оромгоҳ Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш департаменти тасарруfiga ўtказildi, – дейди департаментнинг вилоят бошқармаси бошлиги Расулжон Раҳимов. – Оромгоҳларни мавсумга тайёрларни уюшқоқлик билан олиб борилиб, ошхона, кутубхона, ётоқхона, тибиёт хонаси жиҳозлари, спорт инвентарлари, компютер жамламалари, телевизорлар, овоз кучайтиргичлар, генератор каби бир қатор зарурӣ воситалар билан таъминланди. Хусусан, «Риштон» оромгоҳи ҳудудида сув таъминоти тақчилиги бартараф этилди. Оромгоҳларда спорт, туристик, экологик, техника икодиёти, ўлкашунослик, моҳир қўллар сингари йўналишлар бўйича 30 дан ортиқ тўғраклар фаолият юритади.

Семинарда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, чўмилish ҳавзаларида болалар хавфисилигини таъминлаш, санитария мебеъларига амал қилиш, тиббий профилактик ёрдам кўрсатиш, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва бир қатор мавзуларда оромгоҳлар ишчи-ходимларига тегишили кўрсатмалар берилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



Жамоатчилик назорати

Мехнаткашларга хавфсиз, кафолатланган иш ўринлари яратиш иш берувчи зиммасидаги асосий вазифалардан биридир. Махсус кийим, пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимояланиш воситаларининг кимларга бепул берилишининг намунавий меъёрлари тасдиқланган бўлиб, аммо ҳамма меҳнат жамоаларида ҳам шахсий ҳимоя воситаси билан таъминлаш ҳолатини кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Коржомани ким янгилайди?

Жомбай тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ўрганилганида бир қатор камчиликлар аниқланди. Ҳар иккала шифо муассасида мутасадидларга «Иш ўринлари, меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарининг жароҳатлаш ҳаффилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом талаблари бузилгани кўрсатилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан муддати белgilangan кўрсатма киритилди.

Жамоатчилик назоратининг таъсирчан кучи ўз натижасини бериб, Жомбай тумани тиббиёт бирлашмасида зарарли меҳнат шароитида меҳнат қилаётган ходимлар учун ўн үн миллион бир юз саксон бир минг сўмлик, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида эса салкам 38 миллион сўмлик махсус кийим-бошлар харид қилинди ва тарқатилди. Бугина эмас, инспекция томонидан тиббидаги бир қатор меҳнат жамоаларида ҳам хавфсизлик талаблари бузилишининг олди олинид.

Муҳаммад САТТОРОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаси меҳнат техник инспектори

Ҳар бир ишнинг устаси, ҳар устанинг устози бор

Одатда университетда ўқиган талабалар ўз йўналиши бўйича мутахассис бўлиб чиқишиади. Аммо Чирчик давлат педагогика университетида ёшлар бўлажак касбларига қўшимча равишда ҳунар ҳам ўрганиши мумкин. Иккى йил олдин ташкил этилган «Қўшимча касб-ҳунарга йўналтириш маркази»да талабаларга ана шу имконият яратилган.


Хозир мазкур марказда 100 нафардан ортиқ талаба-ёшлар чилангарлик, дурдгорлик, токарлик, пайвандлаш, кемпинг, қизлар эса тикувчилик, дизайнерлик, пазандалик ва заргарлик йўналишларини ўрганишади.

Тўғраклар университетнинг «Технологик таълим» кафедраси қошида ташкил этилган бўлиб, унда нафакат талабалар, балки таълим масканига яқин маҳаллада яшовчи ижтимоий ҳимояга мухтож оила фарзандлари ҳам касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатилмоқда.

– Марказимизнинг ёшлар учун керакли ва фойдали масканга айланниша устозимиз техника фанлари номзоди Раҳматилла Шермуҳаммедининг хизматлари катта, –

дейди талаба йигитлардан бири Аслиддин Маткаримов. – Фамхўр мураббийимизнинг сабоқларини интиқалик билан кутамиш. Дарсларни қизиқарли ўтиб, зўр маҳорат билан ҳунар ўргатади. Келгусида бирор ташкилотда меҳнат қилсам-да, ҳозир ўрганеттага ётган ёғочга ишлов бериш ҳунарим билан дам олиш кунларни шугулланыб, шахсий даромадимини оширишим ҳам мумкин.

Тақдимот



ЎЗГАЛАР ТАШВИШИДА ЎТГАН УМР

Ўтириш қалам соҳиби, минглаб шоғирдларнинг устози Сафер Остонов бутун умри давомидан оддий одамларнинг оғирини енгил килиш, дардига маҳкам излаш, муммалорига ечим топишга интилиб яшади. Атрофидагиларга яхшилик улашиб ша эзгу амаллар унинг хаёти мазмунига алганган эди.

Иккимойи ҳаётдаги кўплаб долзарб ва кескин муммалорни дадил кўтариб чиқиб, уларни холис ва ҳаққоний ёртадиган, ватанпаварлиги билан кенг жамоатчилик ўртасида мунособ обў-эътибор қозонган ижодкор ўзбек журналистикасида ўзига хос мактаб яратган.

Гарчи, бугун устоз орамизда бўлмаса-да, ана шу эзгу амаллари билан қалбимизда яшамоқда.

Ўзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Сафер Остоновнинг «Умид билан яшагин» китоби тақдимотида иштирок этган ҳар бир кишининг қўнглидан ана шу туйулар ўти, назаримда.

Тақдимотда Сафер Остоновнинг инсоний фазилатлари ҳақида фикрлар билдирилди, хотиралар сўзланди.

Ҳақиқатан ҳам, устознинг қабулидан муроҷаатчилар аримасди. Ҳатто дам олиса күнларда ҳам устозни кабинетидан топиш мумкин бўларди. Қундаким юмушлардан ташари, бирон кун бўлмасин, ёзишдан тўхтамаган. Ҳамиша ниманидир қоралаб юрардилар. Умрининг сўнгги ойларida ижодий шиларни китоб холида чоп этишириш ниятида юрганини кўп бора тақорроладилар. «Ана, иккича-чунтибни қоралам қўйдим, қани энди улар билан жиддий шуғуланишига вақт бўлса...», деб қолардилар гап орасиди.

Аммо газета иши, ўзгалар ташвишида бирон лаҳзага бўшмаган устоз ўтириш мавзулардаги мақолаларини жамалаб, уларга сайдал бераб, нашриёта олиб боришига фурсат топа олмасдилар.

Мана, бугун унинг орузлари рўёбини кўриш биз – қалам ахли, кўнгли яқинлари, шоғирдларига насиб эти. Тақдимотда қатнашар эканимиз, узоқ йиллар давомидан қалбларда қолдирган эзгу амаллари, яхшиларни қаторида ҳаққимизга, журналистларга, шоғирдларга яна бир беҳаҳо хазина тухфа этиб кеттандиан тўқинланадик.

Китобдан устознинг ҳаётлик даврида тайёрланган, тартиб берган публицист мақолалари, суд очеркари, кундайларидан парчалар ўрин олган. Ўз даврида ҳақимиз орасида катта шош-шувларга сабаб бўлган турли мавзулардаги «Умид билан яшагин», «Топталган тақдирлар», «Тергов тегимрони», «Қатонончи О.Гайдонова очик ҳат», «Уни отувга ҳуқиқи имконийдиди», «Йўлбаснинг олишишви», «Буюк ва тарихи галаба» сингари юзлаб мақолалари бугун ҳам ўз аҳамиятини, долзарблигини ўйқотмаган.

Тўпламдан кўплаб таникли журналистлар, ижод ахли, устозга елқадош бўлиб ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тортган кўплаб инсонларнинг хотиралари ҳам жой олган.

Ажойиб инсон, ўз касбининг фидойиси, ҳақиқат ва адолат йўлида курашиб яшаган журналист Сафер Остонов ҳаёти ва иходига бағишиланган мазкур асар ҳар бир ўқувчининг қўнглидан чукур жой олиши шубҳасиз.

Гулрухбем
ОДАШБОЕВА
(ISHONCH)

Эълон

Тошкент шаҳридаги «GREEN TV» МЧЖ (СТИР 302 996 279) устав жамғармаси 3 034 590 545 сўм 56 тийиндан 2 734 590 545 сўм 56 тийинга камайтиралиёттанин маълум килиади.

Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳар, ёнибод тумани, Жарқурғон кӯчasi, 4-y манзилига юборилиши мумкин.

ИЛМ ИНОЯТИ

Яратган иноят қилган кишигина олим бўлади. Олимликнинг ўз талаблари, шартлари, одоби, маданияти, бурчи ва масъулияти бор. Аммо олим билан олим ўртасида фарқ катта. Илмий ташкилотда ишлаб илмий фаолият олиб бориш билан олий таълим мусассасида дарс бериб туриб илмий ишлар ёзиш ҳам бир-биридан тафовут қиласди. Ахир таълим даргоҳида муаллимнинг бирламчи вазифаси дарс бериш, яъни кадр тайёрлаш-да. Ёки музофотда туриб олим бўлиш билан пойтатҳда яшаб тадқиқотчи бўлиш ўртасида ўхшамайдиган томонлар ҳам кўп.

Професор Сулаймон Иноятов айнан вилоятдаги олий таълим мусассасида ишлаб туриб олим бўлганлардан. Бунинг мушкулотини бошидан ўтказгандар яхшироқ билади.

НАСАБ ВА ҲАСАБ

Кўтларимиз тилимизга асли араб-чадан кириб келган бу иккни сўзни ёзитганмиз, гўёки маъносини ҳам биламиш. Лекин амалда ундей эмасдай. «Насаб» шахснинг наслини, аждодини, оиласи шахарасини билдиради. Аммо ҳар қанча улуг насадбанд бўлманг, ўзингизни унга лойиқ дараҷада ўстирмасангиз, ҳаётингиз мобайнида унга мос равишда тутмасангиз, бу сизга хеч нарса келтирмайди. Аксинча бўлсангиз, билганлар иснод қилиши ҳам мумкин.

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-мұхабbat...» тазкирасида келтиришича, ҳаэрт Ҳожа Баҳуддин Нақшбанддан муридлари: «Сизнинг силсилагиз не ерга етар?» – деб сўрашди. «Киши силсила била ҳеч ерга етмас», – деб жавоб бердилар улуг зот.

**85 ёшли ОЛИМНИНГ
БИОБИБЛИОГРАФИЯ-
СИНИ ВАРАҚЛАШ – НАҚАД
МАРОҚЛИ ҲАР
КИМ ҲАМ ШУ ёШЛАРГА
КИРИШИ, ИШЛАРИ-
НИНГ ШУНДАЙ БАТАР-
ТИБ АКС ЭТТИРИЛИ-
ШИНИ, ФАЛВИРНИ СУВ-
ДАН КҮТАРГАНДА, УНДА
ҚИЛИНГАН ЭЗГУ ИШЛАР
«МАНАМАН» ДЕБ ТУ-
РИШИНИ КИМ ҲАМ ИС-
ТАМАЙДИ, ОРЗУ ҚИЛ-
МАЙДИ, ДЕЙСИЗ?**

Инсон насабига мос ҳасабга эга бўлмоғи учун кўп-кўп меҳнат қилиши керак. Сулаймон Иноятов ҳаёти бунинг ёрқин намунаси хисобланади.

Йўл

Қаҳрамонимиз 1956 йили Бухоро шаҳридаги мактабни, 1961 йили Бухоро давлат педагогика институти (хозирги Бухоро давлат университети) нинг Тарих-филология факультетини имтиёзли диплом билан тутгатди.

Тадқиқотчи сифатида, асосан, матбуотнинг жамияти тараққиётидаги ўрни масалаларини ўрганди. Шу йўналишида 1969 йил 7 октябринда ҳозирги Ўзбекистон миллий университетидаги тарих фанлари номзоди, 1987 йил 7 декабрда Москва давлат педагогика университетидаги тарих фанлари доктори илмий раҳбарлигидан яқунласини арафасида! 488 та илмий ва публицистик мақола! 27 та монография, рисола, дарслик ва ўкув кўлланмасига масъул муҳаррирлик! 72 та монография, рисола, дарслик ва ўкув кўлланмасига тақризчилик қилиш! 7 та китоб, шунингдек, 74 та матбуот материалда олим ҳаёти ва фаолиятининг турли қирралари ёритилган...

1995 йили Навоий давлат кончилик институти очилиб, С.Иноятов биринчи проректор лавозимига ўткизилди. У салким 5 йил давомидаги институтда тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни изга қўйди.

2000-2004 йилларда Республика Маънавият ва маърифат маркази Навоий вилояти бўлимига раҳбарлик киди. Навоий давлат педагогика институти кафедраси мудири (2004-2011) бўлиб ишлади. 2016 йillardan buen Бухоро давлат университетининг профессори лавозимида хизмат қилиб кельмоқда.

МУНОСИБ Раффат

С.Иноятов «Дўстлик» ордени (2002), «Шавкатли мөхнати учун» (1970) медали, Ўзбекистон халқ таълими авлочиши. Олий таълим аълочиши (2001) нишонлари, «Устоз» фахрий увони (2001), «Мустакилликнинг 10 йиллиги» (2016) эмасдикнишони (2001), «Мустакилликнинг 25 йиллиги» (2016) эмасдикнишони, «Ўзбекистон Республикаси мустакилликнинг 30 йиллиги» эмасдикнишони (2021), «Мөхнат фахрий» (2022), «Ўз-1 даражали қўрак нишони (2022), «Ўз-



Фан фидойилари

Бекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллиги» эсдаликнишони (2022) билан тақдирланган.

БИОБИБЛИОГРАФИЯ ёХУД ФАЛВИРНИ СУВДАН КҮТАРСА...

«Библиография» деган сўзни кўпчилик тушунади. Бу китоблар ёки матбуотда чоп этилган нарсаларнинг батартиб рўйхатини англатади.

«Библиография»нинг «библиография»да биргина фарқи шуки, энди бунда бир муаллифа доир нашрларнинг кетма-кетлиқдаги рўйхати берилади.

85 ёшли олимнинг библиография фиясини варажлаш – накадар мароқли! Ҳар қим ҳам шу ёшларга киришни, ишларнинг шундаги батартиб акс этирилишини, фалвирни сувдан кўтартганда, унда қилинган эзгу ишлар «манаман» деб тиришини ким ҳам истамайди, орзу қилмайди, дейсиз!

Тарихчилардан кўн нарсанн ўрганиш керак. Уларда хронология кучли бўлади. Бу – қатъян кетма-кетлиқка амал қилиш, дегани. Кечатгандаги ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси қайд этилиши керак. Кечмиш учун бирламчи ёки иккимачи факт бўлмайди. Чунки хоҳлган маҳалда уларнинг ўрни алмашади: бирламчи деб билганингиз факт иккимачи, иккимачи деб ўйлаганингиз воқея бирламчи аҳамият касб этиб қоли ҳеч гап эмас-да.

1986-2023 йиллар мобайнида ўзбек ва рус тилларida босилган 40 та монография, рисола, дарслик, кўлланма! Бу китоблар ҳаётида матбуотда босилган 22 та тақриз! 2 та номзодлик, 3 та фалсафа доктори диссертациясига илмий раҳбарлик! 1 та докторлик, 1 та номзодлик, 2 та фалсафа доктори диссертациясига расмий оппонентлик! 1 нафар фан доктори, 2 нафар фалсафа доктори диссертациясига унинг илмий раҳбарлигидаги яқунланиши арафасида! 488 та илмий ва публицистик мақола! 27 та монография, рисола, дарслик ва ўкув кўлланмасига масъул муҳаррирлик! 72 та монография, рисола, дарслик ва ўкув кўлланмасига тақризчилик қилиш! 7 та китоб, шунингдек, 74 та матбуот материалда олим ҳаёти ва фаолиятининг турли қирралари ёритилган...

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

«Бойлик» тушунчасини ҳар ким ҳар хил англайди, ўзича тасаввур қилиади. Бирор, модомики, инсонга бир мартағина берилар экан, қимнингназидан, бу ёруғ оламда умрдан каттароқ бойлик – йўқ ва бўлмайди ҳам. Назаримда, Аллоҳ таоло севган бандансиз узоқ умр береби скайлиди ёки синайди. Шунга амин бўлганманки, кўплар айнан умри вафо қилгани учунга бу дунёда кўп-кўп шарага мушарраф бўлади.

Эрталаб ўйонганинда кўлинг, ёғинг, ақлинг ишлаб турган бўлса, ёнининг нима аҳамияти бор? Ахир, 85 ёшида ҳам Сулаймон академик завъшавқа тўлиб яшаш, ишлаш, келажакка интилиш, меҳнат қилиб, чарчамаслик мумкин-ку!

Султонмурад ОЛИМ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими



O'zbekiston
kasaba
uyushmalar
Federatsiyasi
2023-yil 11-yanvarda
O'zbekiston
Matbuot va axborot
agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va
«Ishonch-Doverie»
gazetalarini
tahrir hayati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hayati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUTXOROV,
Sayfulllo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBAZAROVA,
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharriring
birinchi o'rinosari).

Mehriddin SHUKROV

(Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENAYA

(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir:
Husn ERMATOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti –

(71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot –

(71) 256-52-89

Milliyyat-nauviiy qadriyatlar –